

Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи давлат тиббиёт муассасаларида аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида низомга 2-ИЛОВА

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 2**

Қарши шахри

2022 йил «10» август

Вилоят руҳий асаб касалликлари шифохонаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи
(муассаса номи)

Ф.Ш.Узоқов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)
(Ф.И.Ш.)

бир томондан ва .“OZIQ OVQAT VA NOOZIQ OVQAT” МЧЖ номидан Устав асосида
(ташкилот номи)

фаолият юритувчи директор Б.С.Набиев (кейинги ўринларда
(Ф.И.Ш.)

Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини **ВАРКШифохона беморлари учун Иссик овқат тайёрлаб бериш (аутсорсинг) хизмати кўрсатиш**

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «08» августдан.

2022 йил «31» декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қўйидаги хукуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқлар.

2.2. Аутсорсер қўйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан максадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишида техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини иккى ой олдин ёзма равища огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараённида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қиласдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зўдлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тибий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклashi;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишида огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қўйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишида огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қўйматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.4. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 620 000 000 (Олти юз йигирма миллион) сўмни ташкил этади. Шартнома КҶС сўммаси 0 сўмни ташкил этади

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қўймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилди ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташабbusи билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятигининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буортмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажариша юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганини учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қиласди.

8.2 Шартнома имзоланган кундан 10 август 2022 йилдан бошлаб 31 декабр 2022 йилгacha амалда бўлади

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

OZIQ OVQAT VA NOOZIQ OVQAT" МЧЖ
Карши тум Шойхужа МФИ

Xp 20208000505540495001

МФО 01088

ИНН 309658922

Банк Тошкент ш Капитал банк



Рахбар

Б Набиев

«Буортмачи»

ВРАК Шифохона

Карши шаҳри И.Каримов кўчаси 85а-йй

Шхв: 100021860104017073201054010

Тошкент Марказий банк

МФО: 00014

ИНН 200666700

Молия Вазирдини Ахонға Ғазна ҳисоб вараги:

23402000300100000110

ИНН: 2011220197



Бош врач

F.Ш.Узоқов

Б. Набиев *М. Заруцков*

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Вилоят руҳий-асаб касалликлари
шифохонаси
врачи

Ф.Ш.Узоқов

№ 1



10.08.2022 йил

Қарши шахри

Вилоят руҳий-асаб касалликлари шифохонасида даволанаёган беморлар учун иссиқ овқат тайёрлаб бериш (Аутсорсинг) хизматини ташкил этиш учун 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли қонунининг талабларига асосан энг яхши таклифларни танлаш орқали шартнома тузишни ташкил қилиш комиссиясининг

МУХОКАМА БАЁНИ:

Бош врач: Комиссия раиси:

Ф.Ш.Узоқов

АЪЗОЛАРИ:

Бош ҳисобчи:

И.Примов

Булим бошлиги:

Б.Муродов

Катта Хамшира:

Д.Поёнова

Пархез хамшераси:

Г.Раймова

Кун тартибида кўриладиган масала:

Вилоят руҳий-асаб касалликлари шифохонасида даволанаёган беморлар учун иссиқ овқат тайёрлаб бериш (Аутсорсинг) хизматини ташкил этиш учун танлов асосида 2022 йил 28 июл кунидаги 22110012129602 -сонли лот билан Давлат харидларининг etender.uzex.uz дастурий мажмуасига жойлаштирилган электрон эълон 2022 йил 05 август куни тугаганлиги ва ушбу лот натижасига биноан шартнома тузиш ва шартномани тасдиқлаш тўғрисида.

Комиссия энг яхши таклифларни танлаш жараёнида қатнашган таъминотчи ташкилотлар таклифларини кўриб чиқди. Вилоят руҳий-асаб касалликлари шифохонасида даволанаёган беморлар учун иссиқ овқат тайёрлаб бериш (Аутсорсинг) хизматини бериш учун 3 та хусусий корхона ўз таклифлари билан қатнашганлиги аниқланди. Улар томонидан берилган таклифлар ва хар бир юклангандан маълумотлар синчиклаб ўрганиб чиқилиб танлов талабларига асосан баҳо берилди.

Берилган баҳолар натижасига асосан энг яхши таклифларни танлаш танлови бўйича 2022 йил 05 август кунида 129602-сонли баённома электрон тарзда шаклланди. Баённома шакллангандан сўнг энг юқори балл билан “OZIQ OVQAT VA NOOZIQ OVQAT” МЧЖ ғолиб бўлганлиги аниқланди ва 2 иш (48 соат) куни муҳокамага қўйилди ҳамда рақобатчи ташкилот томонидан электрон ва/ёки ёзма эътиrozлар келиб тушмагандан сўнг

КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- “OZIQ OVQAT VA NOOZIQ OVQAT” МЧЖ ғолиб деб топилсин.
- “OZIQ OVQAT VA NOOZIQ OVQAT” МЧЖ кохонаси томонидан таклиф этилган нархлар асосида шартнома расмийлаштирилсин.

3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи И Примов зиммасига юклатилсин.

Бош врач: Комиссия раиси:

Ф.Ш.Узоқов

АЪЗОЛАРИ

Бош ҳисобчи:

И.Примов

Булим бошлиги:

Б.Муродов

Катта Хамшира:

Д.Поёнова

Пархез хамшераси:

Г.Раймова